

## **«ТАСДИҚЛАНГАН»**

*"Sirg'ali dehqon bozori"* АЖ  
акциядорларининг 2022 йил  
15 сентябрдаги навбатдан  
ташқари умумий иғилиши

томунидан

Мажлис раиси

Ранцев Д.Н.

(Ф.И.Ш.)



## **«SIRG'ALI DEHQON BOZORI»**

***"SIRG'ALI DEHQON BOZORI"* aksiyadorlik**

*jamiyatining*

**УСТАВИ**

*(янги таҳрирда)*

**Тошкент-2022 йил**

## **1. Умумий қоидалар**

**1.1.** Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида - Қонун) ва бошқа Қонунчилик асосида ишлаб чиқилган.

**1.2.** “*Sirg’ali dehqon bozori*” aksiyadorlik jamiyati (бундан бўён “Жамият” деб номланади) хўжалик юритиш хукуқига асосланган жамият сифатида тижорат, хўжалик ва бошқа ҳар қандай Қонунда тақиқланмаган фаолиятларни амалга ошириш учун ташкил топган мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб хисобланади.

**1.3.** Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-хукукий хужжатларга мувофиқ олиб боради.

**1.4.** Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

**Ўзбек тилида:**

- лотин алифбосида: “*Sirg’ali dehqon bozori*” aksiyadorlik jamiyati;
- кирилл алифбосида: “*Sirg’ali dehqon bozori*” акциядорлик жамияти,

**Инглиз тилида:**

Joint stock company “*Sirg’ali dehqon bozori*”

**Рус тилида:**

- акционерное общество “*Sirg’ali dehqon bozori*”;

**1.5.** Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

**Ўзбек тилида:**

- кирилл алифбосида: “*Sirg’ali dehqon bozori*” АЖ;
- лотин алифбосида: “*Sirg’ali dehqon bozori*” AJ;
- **рус тилида:** AO “*Sirg’ali dehqon bozori*”;
- **инглиз тилида:** JSC “*Sirg’ali dehqon bozori*”.

**1.6.** Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100085, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчасим, Сергели-6 мавзеси.

**1.7.** Жамиятнинг электрон почта манзили: [sirg'ali@dehqonbozori@mail.ru](mailto:sirg'ali@dehqonbozori@mail.ru)

**1.8.** Жамиятнинг расмий веб.сайти: <https://sirg'ali-bozori.uz/>

## **2. ЖАМИЯТНИНГ ҲУКУҚИЙ ҲОЛАТИ**

**2.1.** Жамият юридик шахс хисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогор ва жавобгар бўлиши мумкин.

**2.2.** Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс хукуқларига эга бўлади.

**2.3.** Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банқдан ҳисоб вараклари очишга ҳақлидир.

**2.4.** Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмолақ муҳрига эга бўлади.

**2.5.** Жамият ўз номи ёзилган штамп ва бланкалирига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишонига, ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишига ҳақлидир.

**2.6.** Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятининг ҳар қандай турларини амалга ошириш чоғида ҳукуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

### **3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ РЎЙХАТИ.**

**3.1.** Акциядорлик жамияти хўжалик фаолиятини хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларидан фойдаланиш, жамият акционерлари ва меҳнат жамоасининг моддий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида амалга оширади.

**3.2.** Кўзланган мақсадга мувофиқ қуидагиларни амалга оширади:

- Қишлоқ хўжалиги, озиқ – овқат маҳсулотлари ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар, ёрдамчи ва ҳунармандчилик корхоналари маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш учун керакли шароитларни яратиш;
- Кенг турдаги қишлоқ хўжалиги, озиқ –овқат маҳсулотларининг ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг савдо расталари, савдо ўринлари, турғун савдо шаҳобчалари (шу жумладан савдо павильонлари, киоскалари) дан фойдаланган ҳолда чакана ва майда улгуржи олди – соттисини амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларга ўз тасарруфидаги биноларни ижарага бериш;
- хўжаликлар ва аҳолининг маҳсулотларини сотиш учун жалб қилиш мақсадида реклама ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш;
- озиқ–овқат ва товарларни ишлаб чиқариш мақсадида керакли бозор хизмати инфраструктурасини яратиш;
- четдан товарларни жалб қилиш, шахсий товарларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш аҳолига, ташкилот ва корхоналарга хизмат кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан ташки ictisodiy фаолият кўрсатиш;
- тижорат, дорихона, савдо–харид корхоналари, умумий овқатланиш шаҳобчалари очиш;
- жамият таркиbidаги савдо харид корхонаси орқали жисмоний шахслар, дехқон фермер ва жамoa хўжаликларидан қишлоқ хўжалиги, озиқ–овқат маҳсулотларини ва уларни қайta ишлашдан олинадиган маҳсулотларни харид қилиш ва ушбу маҳсулотларни корхона, муассаса ва ташкилотларга улгуржи савдosi орқали сотиш ҳамда жамият ихтиёридаги дўконлар орқали чакана сотиш;
- савдо – харид фаолияти, улгуржи ва чакана савдо;
- умумий овқатланиш соҳасида хизмат турларини кўпайтириш, ресторон, кафе, барлар очиш, миллий ва европа таомларини тайёрлаб сотиш;
- жисмоний шахс ёки ҳукуқий шахс ҳукукини берувчи, шу жумладан тижорат корхоналарини, марказларини ташкил қилиш;
- пуллик авто турар жойларини, майший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини, кирхоналар, сартарошхоналар, косметолог корхоналари ва салонлар, бошқа майший хизмат шаҳобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, аҳоли ва корхоналар учун майший хизмат кўрсатиш;

- ҳар-хил қандолат моллари, салқин ичимликлари, музқаймоқ ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ун тайёрлаш ва сақлаш, қайта ишлаш, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
  - тижорат, савдо-сотиқ ва савдо-воситачилик фаолияти;
  - томошалар, шоу ўйинлари, лотериялар, ижодий мусобақалар, кечалар, учрашувлар, тантаналар, спорт тортишувлари ва беллашувлари, бошқа маданий-оқартув, спорт соғломлаштириш ва томоша тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш шунингдек, бундай тадбирларда қатнашиш;
- бинолар ва уйларни куриш, эгаллаш, ташкил этиш, лизинг шартлари бўйича ёки бошқа асосларда ижарага бериш, шунингдек улардан фойдаланиш, дўконлар, универсамлар, супермаркетлар, савдо уйлари, ярмаркалар, киосклар, лотоклар, савдо жойлари ва бошқа савдо объектларини ташкил этиш;
- қимматли қоғозлар чиқариш, сотиш, сотиб олиш ва сақлаш, улар билан бошқа операциялар ўтказиш;
- лойиха-смета хужжатларини тузиш ва ишлаб чиқиш, лойихалаш-изланиш, курилиш, қурилиш-монтаж, юргизиш-тузатиш, таъмирлаш ва пардозлаш бўйича ишларни ташкил этиш ва ўтказиш, уй-жой фонди, саноат, хизмат учун ижтимоий ва маданий-маиший бинолар, иншоотлар ва объектларнинг қайта қурилишини амалга ошириш;
- риэлектерлик фаолияти, кўчмас мулк объектларини эгаллаш, фойдаланиш, ижарага бериш ва сотиш, кўчмас мулк билан бошқа операцияларини амалга ошириш;
- стационар ва кўчма авто ёқилғи қувиш шаҳобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, мамлакатда ишлаб чиқарилган ва чет эл маркали автомобиллар, ҳар-хил транспорт воситалари ва бошқа техникага техник хизмат кўрсатиш ва тузатиш корхоналарининг тармоғини тузиш ва улардан фойдаланиш;
- бозор конъютурасини ўрганиш, сотиладиган товарларни баҳо ва баҳоларни ташкил қилишни ўрганиш, ички ва ташки ҳамкорлар билан алоқаларни тиклаш тадбирларни ўтказиш;
- Қонунда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ва ташкил этиш.

**3.3. Жамият рухсатнома зарур бўлган фаолият билан шуғулланиши ҳуқуқига, бундай рухсатнома олгандан сўнг ёки рухсатномада кўрсатилган давр ичida ушбу фаолият билан шуғулланиши мумкин.**

**3.4. Жамият кўрсатилган фаолиятни бажариш мақсадида аукционларда, биржа ва бошқа савдода, ярмаркаларда, фонд ва товар бозорларида тижорат тадбирларида қатнашиши мумкин, у шартномалар, битимлар ва битишувлар тузади, турли юридик актлар ва битимлар, шу жумладан кредит-хисоб, касса муаммоларини амалга оширади.**

**3.5 Жамиятнинг фаолияти муддати чекланмаган.**

#### **4. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун Жамият қуидаги ҳуқуқларига эгадир:**

белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта хисоб ракамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонунчилик асосида ҳар кандай тўлов шаклларини бериш ва акцептлаш, айирбошлиш (валюта алмаштириш) тартибига асосан ваколатли банклар орқали ўз маблағларини айрибошлиш;

ўзининг ишлаб - чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида мустақил равишда ўз карамоғидан (балансидан) мол - мулк, қарз, камомад, бошқа зиёнларини чиқариш;

Жамият Уставида белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш - техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом - ашё, материаллар, транспорт сотиб олиш;

ҳомийлик ва хайрия фаолиятни амалга ошириш;

қонунчиликка мувофиқ, ўз ходимлари учун қўшимча иш таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёзларни ташкил этиш;

**4.2.** Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

**4.3.** Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари Жамиятнинг тижорат сирини ошкор қилганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**4.4.** Жамиятнинг тижорат сири тоифасига киритилган ахборот билан Жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик жамият директори томонидан белгиланади.

#### **4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ.**

4.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

4.2. Жамиятнинг Устав фонди 650 000 000 ( олтти юз эллик миллион) сўмни ташкил қиласи ҳамда номинал қиймати 1000 (бир минг ) сўм бўлган 650 000 (олти юз эллик минг ) дона оддий жойлаштирилган акцияларга бўлинган.

##### **а) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш**

4.3. Жамиятнинг устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.4. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартеришлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан қабул килинади.

4.5. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

4.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамият чиқаришга ҳакли бўлган эълон қилинган акциялар миқдорини белгилайди.

4.7. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

4.8. Жойлаштирилган акцияларга кўшимча тартибда жамият умумий қиймати 10 000 000 000 (ун миллиард ) сўмлик, номинал қиймати 1000 (бир минг ) сўм бўлган 10 000 000 (ун миллион ) дона оддий акцияларни чиқаришга ҳакли.

##### **б) Жамиятнинг устав капиталини камайтириш**

5.9. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.10. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.11. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **6. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

6.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

6.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендерни тўлаши шарт.

6.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблаглари ёки бошқа конуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

6.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендер тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ҳақли.

6.5. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендер тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

6.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендер тўлаш, дивидендинг микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хуносаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендернинг микдори жамият кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган микдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендер тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендер тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

6.7. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендерни тўлаш акциядорларнинг дивидендерни олишга бўлган teng ҳукуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

6.8. Дивидендерни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендерни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.9. Жамият тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендер тўловини амалга ошириш ҳукуқига эга;

6.10. Эгаси ёки эгасининг конуний ҳукукий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичida талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

6.11. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендерни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблагларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобвараfiga ўтказиб бериши шарт.

6.12. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендер суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

6.13. Жамият дивидендернинг миқдорини улардан ундириладиган соликларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Жамият тўланадиган дивидендер миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий вебсайтларида қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қиласи.

## **7. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

7.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фонdlарни акциядорларнинг умумий йигилишида ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендер тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошка мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.3. Жамият устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

7.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 7.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказилади.

7.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

## **8. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ**

8.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йигилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия орган (Директор).

## **9. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ.**

9.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий ҳисбот йигилиши молия йили тугаганидан кейин кўпли билан олти ой ичидаги ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (бундан буён матнда “Директор” деб юритилади) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ушбу уставнинг 9.5 бандига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисботини, жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш ва бошка хужжатлар кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш чоғида умумий йигилишда, кун тартибидаги масалаларни мухокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича карорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йигилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг

умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади;

9.3. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган ҳолатда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди.

9.4. Жамият устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул килинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда, жамият акциядорларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллукли қоидалар бундан мустасно.

9.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав капиталини қўпайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш

- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини кайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- имтиёзли хукуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳакида қарор қабул қилиш;

- қонунчилиқда белгиланған ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланған шахслари билан битимлар түзиш тұғрисида қарор қабул қилиш. Бунда жамиятнинг аффилланған шахси билан активларининг қиймати жамият соғ активлари қийматининг ўн ёки ундан күп фоизини ташкил этадиган битим ёки йирик битим түзиш тұғрисидаги қарорлар мол-мulkнинг қонунчиликка мувофиқ бақоловчы ташкилот томонидан белгиланған бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқы аудиторлық ташкилоти томонидан битимнинг шартлари үрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади

- қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонунчилиқда белгиланған талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг хulosаларини эшлиши, йирик битим түзиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим түзиш тұғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилгандаги масала ва баланс қиймати ёки олиш қиймати битим түзиш тұғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соғ активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мulk хусусида йирик битим түзиш тұғрисидаги масалалар бўйича қарор, аффилланған шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш хақидаги қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Бошқа масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Соликқа оид ёки давлат олдидағи бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тұғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.6. Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгashi ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) купайтириш билан боғлик ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- Акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг ижроия органини түзиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамиятнинг ижроия органига тұланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

- бошқа қонунчилиқда тақиқланмаган умумий йиғилиш қарорлари билан бериладиган масалалар.

9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

9.8. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

## 10. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

10.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

10.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажарib турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

10.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойини белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- жамият уставига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъкуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъкулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшитиб бориш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чигкан ҳолда, битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш. Бунда жамиятнинг аффилланган шахси билан активларининг қиймати жамият соғ

активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим ёки йирик битим тузиш тўғрисидаги қарорлар мол-мулкнинг қонунчиликка мувофик баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташки аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- жамият акцияларининг жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини 79-моддасига ва бошқа меъёрий хужжатларга асосан муддатидан илгари тугатиш. Жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

10.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.5. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат бўлади.

10.6. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгashi аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси- йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилади ва сайланади.

10.7. Жамиятнинг Кузатув кенгashi аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланishi лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгashi таркибига сайланган деб ҳисобланади.

10.8. Жамиятнинг кузатув кенгashi таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланishi мумкин.

10.9. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўzlари орасидан Жамият Кузатув кенгashi аъзолари умумий

сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

10.10. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибиға сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар, уларни сайлаш тартиби ва фаолият юритиш тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдикланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

10.11. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

10.12. Жамият ижроия органи аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

10.13. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

10.14. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

10.15. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу уставда назарда тутилган микдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

10.16. Жамият Кузатув кенгашининг фаолияти самарадорлигини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсадида кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва хақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиб ва этика қўмитаси ташкил этилади.

10.17. Кузатув кенгаши таркибиға давлат улуши бўйича сайланган аъзолар фаолияти жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, жамиятнинг қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш ва бошка конунчилик мезонлари асосида баҳоланади.

10.18. Жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, жамият устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда жамият кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузилади;

10.19. Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш жамият кузатув кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

10.20. Ҳар чоракда ижро органининг хисоботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўйилмайди.

10.21. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда хозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя қилиш» қонунинг (янги таҳрирда) 18-моддаси иккинчи ва тўртингчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини

Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

10.22. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

10.23. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

10.24. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

10.25. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

10.26. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камидан бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

10.27. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

## 11. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Директор томонидан амалга оширилади.

11.2. Жамият ижроия органи (Директор) жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

11.3. Жамият Директори акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисбот беради.

11.4. Жамият Директори Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланади. Директор билан меҳнат шартномасини жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

11.5. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йигилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият директорини тайинлаш, коида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

11.6. Жамият директорининг ҳукуқ ва мажбуриятлари тегишинча Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунчилик хужжатларида, ушбу уставда хамда унинг жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномасида белгиланиб, шартноманинг

амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тұғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг директори билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бүйича мажбуриятлари хамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётгандылыктың өзасидан акциядорларнинг умумий үйреки жамият кузатув кенгаши олдида берадиган хисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

11.7. Жамият ижроия органи сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига иккى муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас;

11.8. Жамият ижроия органи томонидан ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлар ўтган йилда олинган соф фойданинг З фоизидан ошмаслиги керак хамда бу харажатлар жамият бизнес-режасининг ўтган хисобот давридаги соф фойдага тааллуқли кисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади.

11.9. Жамият Директорининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий үйреки жамиятнинг мутлак ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно. Агар директор томонидан мазкур масалалар ўзбошимчалик билан амалга оширилса, Кузатув кенгаши директор билан тузилган меҳнат шартномани бир томонлама бекор қилишгача бўлган чораларни кўллашга ҳақли.

11.10. Жамият Директори акциядорлар умумий үйреки жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

11.11. Жамият Директори мазкур устав ва акциядорлар умумий үйреки жамият томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тұғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

11.12. Жамиятнинг директорига тўланадиган ҳақ миқдори, хизматларига ҳақ тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлик бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

11.13. Жамиятнинг директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

11.14. Жамият кузатув кенгаши жамият директори билан тузилган шартнома шартларини бузган тақдирда у билан тузилган шартномани тугатишга (бекор қилишга), ҳақли.

11.15. Жамият Директорининг ваколатларига куйидагилар киради:

- мазкур устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қиласи;
- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади ва унинг манфаатларини ҳимоя қиласи;
- Жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;
- штатларни тасдиқлайди, жамият ходимларини ишга қабул қиласи, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, бекор қиласи ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини саклаб туришини таъминлайди;
- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
  - жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлади;
  - ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласи;
  - акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;
  - амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;
  - амалдаги қонунчиликка ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қиласи.
- 11.16. Жамият Директори ўз хуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.
- 11.17. Жамият Директори қонунчиликка ва ушбу уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

## 12. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 12.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонунчилик ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.
- 12.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал килиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.
- 12.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

“Sirg’ali dehqon bozori” AJ  
директори в.б

Бош ҳисобчиси

Юристконсультант:



Б.Б.Тоиров

А.А.Тимофеева

Yuridik shaxsnı davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



# GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

## "SIRG 'ALI DEHQON BOZORI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

## "SIRG 'ALI DEHQON BOZORI" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

**200 648 833**

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

**Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)**

**28.05.1996**

Sana

**336**

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

**AKSIYADORLIK JAMIYATI**

Faoliyat yuritadigan manzil:

**TOSHKENT SHAHRI, SERGELITUMANI, YANGI SERGELI KO'CHASI, SERGELI-6 MAVZESI**

Tomonidan berilgan:

**SERGELITUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI**

**444545**





O'zbekiston Respublikasi  
Adliya vazirligi

## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### Oldingi ta'sischilar

Yuridik shaxs

SIRG 'ALI DEHQON BOZORI AJ AKSIYADORLARI

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR):  
200648833

Miqdori: 650 000 000  
so'm

Ulush:  
100.00%

Ustav fondi

650 000 000 so'm

05.01.2023

Guvohnoma olingan sana

444544





## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

### O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)  
200 648 833

Nomi  
SIRG' ALI DEHQON BOZORI

Tashkiliy-huquqiy shakli  
Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi (manzili)  
Toshkent shahri, Sergeli tumani, Yangi Sergeli ko'chasi,  
Sergeli-6 mavzesi


### O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)  
200 648 833

Nomi  
SIRG' ALI DEHQON BOZORI

Tashkiliy-huquqiy shakli  
Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi (manzili)  
Toshkent shahri, Sergeli tumani, Yangi Sergeli ko'chasi,  
Sergeli-6 mavzesi



05.01.2023

Guvohnoma olingan sana

444544





O'zbekiston Respublikasi  
Adliya vazirligi

## Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma


### O'zgartirishdan keyingi ma'lumotlar

Aksiya to'g'risida ma'lumot  
**enum\_stock\_type\_null**

Aksiyalar soni: 650000 Aksiya bahosi: 1000 so'm

Ustav fondi

650 000 000 so'm



05.01.2023

Guvohnoma olingan sana

444544

